

ФАРФОНА. Вилоятда 30 га яқин газета чоп этилмоқда. Ушлаб босмаҳона, китоб савдоси идоралари мавжуд. Ҳамма соҳада бўлгани каби Матбуотчилар олдига ҳам ўзинга хос муаммолар бор: қозғоқ танқислиги, газета тарқатиш билан боғлиқ ишлар... Бу ҳол газеталарнинг нусха ва мазмунига таъсир қилмоқда. Вилоят марказида шахар ва туман газеталари, босмаҳоналар ва шу соҳага дахлдор идоралар раҳбарлари иштирокида кенгаш бўлиб ўтди. Ингилишда журналистлар ютуқ ва муаммолар билан ўртоқлашди. Камчиликларни бартараф этиш, режалар ҳақида келишиб олинди.

Алишер ИБОДИНОВ.

ҚАШҚАДАРЁ. Китоб тумани қишлоқларига ҳам газ қувурлари ётқизилмоқда. Мейликул Бобоев номли хўжаликнинг Минглар қишлоғига 2,6 километрли қувур тортинди. Хонадонларда уй бекалари дудсиз оловдан баҳраманд бўлдилар. Бу ишга 4,8 миллион сўм сарфланди. Бунёдкорлик ишларини баҳолаймиз, — деди ўзбекистон раҳбари. Президентнинг Давлат маслаҳатчиси В. Норов, ташқи ишлар вазири А. Комилов ва бошқа расмий кишилар қатнашди. Қабул чоғида Америка Қўшма Штатларининг Ўзбекистондаги Фавкулда ва мухтор элчиси Стэнли

Юнус УЗОҚОВ.

САМАРҚАНД. Сиеб тумани ҳокимлиги халқ таълими бўлими болалар ва ўсмирлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича тадбирлар уюштирмоқда. Жумладан, "Заргарон" маҳалласидаги 2-мактабда отаоналар ва маҳалла фаоллари иштирокида йиғилиш бўлди. Ватанини севиниш, ардоқлаш, ўқиниш ва дам олишга жиддий эътибор бериш, жиноятчиликка қўл ураётган болаларни тарбиялаш ҳамда соғлом авлодни камол топтириш йўлида сазй-ҳаракат қилиш билан боғлиқ фикр-мулоҳазалар айтилди.

Лутфулла МАМАСОЛИЕВ.

УРГАНЧ. Янгибозор туманидаги Ҳамза номли жамоа хўжалигида йирик спорт соғломлаштириш мажмуи бунёд этилмоқда. Қишлоқ ёшларининг бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари, спортни ривожлантириш ва оммавийлигини таъминлаш йўлида қилинаётган бу хайрли ишдан кўпчилик мамнун. Ўзига хос бу спорт масканига Паҳлавон Махмуд номи берилди. Шу тариқа таваллуд топганлигининг 750 йиллиги нишонланаётган сўз устаси ва полвоннинг руҳи шод этилди.

Рўзимбой ҲАСАН.

НУКУС. Хўжайлидаги "Саратон" ишлаб чиқариш савдо ҳиссдорлик жамияти ўтган йили 3 миллион сўмлик фойда кўрди. Бу маблағнинг асосий қисми тармоқни кенгайтириш, ишловчилар ижтимоий ҳимоясига сарфланмоқда. Дўконлар таъмирланди. Расталар, асбоб-ускуналар янгиланди. Мухими ҳиссдорлик жамиятининг янги биноси фойдаланишга топширилди. Энди асосий ишлар компьютерлар ёрдамида бажариламоқда. "Аҳоли талаб ва эҳтиёжини ҳисобга олиш, сифатли маҳсулотлар билан савдо қилиш ҳисобига кунга 500-560 миң сўмлик хизмат кўрсатишга эришилди", — дейди жамият раиси М. Қулбаев.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ.

КУННОМА

Воқеалар, хабарлар

Янгиликлар, фактлар

КУННОМА

Ватанни севмак иймондандур!


# ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1997 йил 6 февраль, пайшанба № 16 (22.101).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

## ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ



СУРАТДА: қабул пайти.

Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов 5 февраль кунини АКШ давлат котиби уринбосари Робин Линн Рафэлни қабул қилди.

Президент Ислам Каримов Ўзбекистон ва Америка муносабатларидаги узро ишонч тобора мустаҳкам бўлиб бораётганини қайд этар экан, Р. Рафэл хонимнинг бу борада алоҳида ўрни борлигини таъкидлади.

— Биз Америка Қўшма Штатларининг Марказий Осиё давлатлари, хусусан,

Ўзбекистон билан ҳамкорликни ривожлантиришга катта эътибор бераётгани ва минтақа хавфсизлиги бўйича мамлакатимиз илгари сураётган гоғлар океан ортида кен қўллаб-қувватланаётганини юқори баҳолаймиз, — деди Ўзбекистон раҳбари.

Учрашувда икки мамлакат ўртасидаги алоқаларни ривожлантириш, жумладан, иқтисодий ва маданий соҳалардаги ҳамкорликни кенгайтириш билан боғлиқ масалалар муҳока-

ма қилинди. Шунингдек, сунгги пайтларда Афғонистонда вужудга келган сиёсий вазият ҳамда бошқа минтақавий муаммолар юзасидан узро фикр алмашилди.

Учрашувда Ўзбекистон Президентининг Давлат маслаҳатчиси В. Норов, ташқи ишлар вазири А. Комилов ва бошқа расмий кишилар қатнашди.

Қабул чоғида Америка Қўшма Штатларининг Ўзбекистондаги Фавкулда ва мухтор элчиси Стэнли

Р. ШАГАЕВ (ЎЗА) олган сураат. Туэмлер Эскудеро ҳозир бўлди.

Шу кунини АКШ давлат котиби уринбосари Ўзбекистон Ташқи ишлар вазириликда бўлиб, вазири Абдулазиз Комилов билан ҳам музокаралар ўтказди. Ташқи ишлар вазириликнинг қабуллар уйида эса Рафэл хоним иштирокида маҳаллий ҳамда хорижий журналистлар учун матбуот анжумани бўлиб ўтди.

(ЎЗА).

Республика Рассомлар уюшмасининг «Хамар» халқаро алоқалар марказида ташкил этилган кўргазма ана шундай аталди. Кўргазмага 60 дан зиёд ижодкорнинг

### «ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ»

250 дан ортиқ санъат асарлари кўйилган. Томошабинлар «Шарқ нафаси», «Тог манзараси», «Наққош», «Юкса-

ҳам диққатга сазовор. Шунингдек, кўргазмада кулолчилик, наққошлик намуналари ҳамда миниатюралар ҳам ўрин олган.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ.

### БИРИНЧИ МАСҲУПОТ

Маълумки, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши XV пленуми, мамлакатимизда демократик жамиятга ўтish жараёнининг долзарб назарий масалаларини ишлаб чиқишга кўмаклашиш, ХДП Дастури ва Миллий истиқлол мафкура-си қондаларини ривожлантириш мақсадида, партиянинг назарий ишларини фаоллаштириш вазифасини кўйган эди. Шунга мувофиқ, ташкил этилган Марказий Кенгаш илмий-назарий семинарининг дастлабки машғулотини кун кеча бўлиб ўтди.

Тошкент молия институтини кафедра муdiri, фалсафа фанлари доктори, профессор Н. Маматов «Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотларда маънавиятнинг ўрни ва аҳамияти» мазмунда маъруза қилди.

Эркин мулоқот шаклида ўтган машғулотда партиядан сайланган Олий Мажлис қарор депутатлари, ХДП марказий насларининг етакчи ижодкорлари, фан, адабиёт ва санъат наомияти-далари, шунингдек, Ўзбекистон ХДП МК, Тошкент вилоят ва Тошкент шаҳарнинг маъсул ходимлари қатнашдилар.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот маркази.

Имомали НАЗАРОВнинг фермер хўжалиги Фаргона вилояти Ўзбекистон туманининг С. Азизов номли жамоа хўжалиги худудида жойлашган. Бу деҳқон-фермер хўжалигида ишлаб чиқаришнинг илгори усуллари қўлланилмоқда, маҳсулот етиштириш, ҳосилдорликни оширишда катта ютуқларга эришилмоқда.

Яқинда муҳбиримиз у билан учрашиб, фермер хўжаликларининг бугунги ташвиши ва муаммолари ҳақида суҳбатлашди.

— Мамлакатимизда сизни тадбиркор, ишчи кўзини биладиган фермер сифатида яхши билишадим. 1996 йилни фермер хўжалигининг қандай якунлади?

— Бизнинг «Умид» фермер хўжалигимиз учун 1996 йил ёмон келмади: 70 тонна бошоқли дон, 95 тонна сўт, 4 тонна гўшт ва яна булардан ташқари бир қанча озиқ-овқат, сабзавот маҳсулотлари етиштирдик. Ҳар бош сигирдан бир бошдан буюқ, 3750 литрдан сўт соғиб олдик.

— Нега баъзи жойларда фермерлик ҳаракати суст, хусусийлаштириб олинган фермаларда ривожланиш, маҳсулот бериш ва чорва маҳсулотлари етиштириш кўнглида эмас. Баъзилар эса ўз фаолиятини тўхтатган. Бунинг сабаблари нимада деб ўйлайсиз?

Биринчидан: дуч келган кишига фермаларни сотаве-

риш, «Фермер хўжалиги», деб ном беравериш нотўғри. Фермерлик, тадбиркорлик ўқишларига юбориб, билимини, дунёқарашини етук қилиб, кейингина давлат мулкчини топшириш ва тадбиркорлик фаолиятига руҳсат бериш керак, деб ўйлайман.

Иккинчидан: давлат фермалари хусусийлаштирилгандан сунг мулкдор ва баъзи хўжа-

буларнинг ҳаммаси оддий соғувчи ва боқувчининг меҳнати устидан бўлган, уларнинг ҳамма-нидан кетган. Мана шу нарса, яъни давлат мулкидан ўз манфаати йўлида фойдаланиш айрим мансабдор шахслар қулидан кетиб қолганини учун, улар давлат мулкчини хусу-

### Аччиқ, аммо очиқ гаплар

ришга ва керакли нарсаларни сотиб олишга мажбур! Яна бир асосий нарса: нақд пул ва пул қучириш деган усул бор. 1996 йилда макка уруғи бозорда нақд пулга 6—7 сум, дон оғирларидан эса пул ўтказиб бериш йўли билан 50—60 сум бўлди. Бошқа нар-

ликчилик шаклига ва қолаверса, шу хўжаликнинг раҳбари, иқтисодчиси ва бош ҳисобчисига боғлиқ. Бир жойда жойлашган икки хўжалик ташкилотининг шароити бир хил. Лекин уларнинг бири ўта ривожланган, шарт-шароитлари етарли, моддий жиҳатдан ҳам ишчилари тўқ. Иккинчиси эса бунинг акси...

Бу гапларни айтишдан мақ-

## ФЕРМЕРЛИК ҲАРАКАТИ: ЮТУҚ ВА ТЎСИҚЛАР

Мамлакатимизда фермер хўжалиги ишини намунали юргизаётган тадбиркорлар кўп, бироқ...

лик раҳбарлари ўртасида қуролмаслик вужудга келдики, бу нарса деҳқон-фермер хўжаликларининг ривожланишига туғаноқ бўлди. Масалан, ер ва техника ўз вақтида берилмади, берилганда ҳам шағалли дашт, унумсиз ерлар, эскирган, бузуқ техникалар ажратилди. Таъминот масаласида ҳам худди шундай.

Учинчидан: мен фермер хўжалиги ташкил қилмасамдан олдин давлат хўжалигининг катта бир фермасида муди бўлиб ишлаганман.

Фермалардаги қурилиш ва таъмирлаш ишлари устидан баъзи мансабдор шахсларнинг шахсий қурилишлари битган. Фермалардаги исрофгарчилик, омухта емларнинг у ер-бу ерга жуматилиши, чорвадор тили билан айтганда «омонат» молларнинг боқилиши —

салар ҳам худди шундай. Пул ўтказиб олиш 10—20 баробар қиммат.

Бешинчидан: маълумки, туманларда барча хўжалик ва ташкилот раҳбарлари, яширмайлик, аслида туман ҳокимининг тайинлаши билан қўйилади. Агарки, қўйилган раҳбар тадбиркор, изланувчан, маънавий етук экан, шу жойининг халқи тўқ, яшаш шароити яхши бўлади. Биринчи раҳбар ислохотта, ингиликларга қандай муносабатда бўлса, сузсиз қолган барча раҳбарлар ҳам унга эргашиши ҳеч кимга сир эмас...

— Айрим хўжалик ва ташкилотларда иш ҳақининг вақтида берилмаслигига сабаб нимада деб ўйлайсиз? Банк хизматига муносабатингиз?

— Бунинг асосий сабаби му-

сад нима? Жойларда хўжалик раҳбарлари иш ҳақларини талаб қилиб келган ишчиларга: «Бизга ҳам осон тутманлар, банк пул бермапти, давлатта топширган маҳсулотларимизнинг пули келмапти, пул келиши билан берамиз», деб осонгина кутулушяпти. Холбуки, бундай раҳбарлар кераксиз шатталарни кўпайтириб, меҳнаткашларнинг пашона тери тўкиб топган пулларини кери-качи бўлмаган нарсаларни (жумладан, қатор-қатор ҳар хил русумли хизмат автомашиналарини) олишга сарфлайди-ю, ишчининг иш ҳақини вақтида олиб беришга жон койтмайди. Бундай «раҳбарлар» фақат ўз хўжалиги учун эмас, балки давлат учун ҳам зарар келтираётганини ҳеч қачон буйнига олгиси келмайди.

Энди банк хизматига тўхта-ладиган бўлсам, туманимизда узимиз сотган маҳсулот пу-

лини (иш ҳақи қилиб) олгунча она сутимиз озгимизга келади. Банк ходимларининг миқозларга хизмат кўрсатиш маданияти етарли эмас. Худ-ди сиз ўз маблағингизни банк ходимларининг чунтагидан олаётгандай нуқулай сезасиз. Ортиқча қозғоқбозликлар мавжуд. Банк бошлигини қабулда соатлаб кут, бош ҳисобчининг кайфиятига қараб гапир, ниҳоят, «труба»дан тайёр булган хўжатинг тушгунча ҳам 3—4 марта юқори қаватларга тушиб қик... Булар ҳаммаси фақат асаббузарликдан бошқа нарса эмас! Банк миқозларга тушгача хизмат кўрсатишини айтмайсизми яна?!

— Сиз тадбиркор сифатида четдан, яъни хориждан олиб келинаётган озиқ-овқат ва бошқа маҳсулотларга қандай қарайсиз?

— Узимизда маҳсулот қила-б чиқариш урнига четдан тайёрини ташиб келишга интилиш ёмон. Албатта, хорижга чиққан ишбилармонлар ҳақ эҳтиёжи учун керакли, сифатли маҳсулотларни олиб келишга майли-куя, лекин уларни инсоф билан сотишсин-да. Токи товар нархи истеъмолчига етиб боргунча 5—10 баробар ошиб кетмасин. Хориждан сифатсиз, истеъмол учун зарарли маҳсулотларни билиб-билмай олиб келиш урнига технологияни сотиб олиш керак!

— Сизимнинг сунггида эса, 1997 йил — Инсон манфаатлари йилида барча деҳқон-фермерларни, тадбиркор ва ишбилармонларни халқ истеъмоли учун сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришга чорлайман!

— Сизимнинг сунггида эса, 1997 йил — Инсон манфаатлари йилида барча деҳқон-фермерларни, тадбиркор ва ишбилармонларни халқ истеъмоли учун сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришга чорлайман!

— Сизимнинг сунггида эса, 1997 йил — Инсон манфаатлари йилида барча деҳқон-фермерларни, тадбиркор ва ишбилармонларни халқ истеъмоли учун сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришга чорлайман!

### КАТТА ЙЎЛ ГУЛИСТОНДАН ЎТАДИ

СИРДАРЁ. Тошкент—Термиз автомобиль йўли вилоятлар худудини боғлайди. Энди йўл вилоят чегарасидан ўтмай, балки Гулистон шаҳри орқали давом этаётган бўлди. Шу мақсадда 76 километр масофада қурилиш ишлари бажарилиб, бунинг учун 1 миллиард сўм маблағ сарфлаш мўлжалланмоқда.

Абдужалил УМАРОВ.

### Қисқа сатрларда

#### Хориждан хабарлар

✓ АҚШ давлат котиби Мадлен Олбрайт хоним шу йилнинг 19-20 февраль кунлари Москвага ташриф буюради, деб хабар беради Қўшма Штатлар давлат департаменти.

✓ ПОКИСТОНДА мамлакат куйи палатаси миллий ассамблеяга бўлиб ўтган сайловларнинг дастлабки якунлари чиқарилди.

✓ РОССИЯ Бош вазири Виктор Черномырдин Борис Ельцин ва Билл Клинтон учрашув ҳақида тўхталиб, мазкур учрашув илгари режалаштирилганидек, март ойида ўтказилишини таъкидлади.

✓ ПЕРУ пойтахти Лима шаҳрида 70 дан зиёд кишини гаровга ушлаб турган террорчилар мамлакат қамоқхоналаридаги сафдошларини озод қилиш ҳақидаги асосий талабларини ўзгартрмаганиликларини айтишмоқда.

✓ ГФР мудоффа вазирининг баёнотига кўра, шу йилнинг ёз ойида НАТО ушбу блокка қабул қилинадиган мамлакатлар номзодини эълон қилади. Бироқ бундан аввал Россия билан келишув имзоланиши керак.

✓ ФАРБНИНГ етакчи мамлакатлари ўзларидан сақланаётган нацистларга тегишли олтинини уларнинг ҳақиқий эгалари аниқланмагунча ҳеч кимга бермасликка қарор қилишди.

✓ ЯПОНИЯДАГИ «Аум Синрикё» диний уюшма аъзоси заҳарли газ ишлатиб одам ўлдирганилиги учун 17 йил қамоқ жазосига ҳукми қилинди.

✓ ЧЕХИЯДА бошланган мамлакат темирйўлчиларининг икки кунлик иш ташлаши поездлар ҳаракатини бутунлай тўхта-тиб қўйди.

✓ СЕРБИЯ Президенти Слободан Милошевич ўтган йил ноябрь ойида муниципал сайловларда муҳолифатнинг галаба қилганилигини кеча тан олишга розилик билдирди.

✓ ТУРКМАНИСТОННИНГ Эрон билан чегарадош туманида Рихтер шкаласи бўйича 4 баллик элзилма юз берди.

✓ ШВЕЙЦАРИЯНИНГ Давос шаҳрида халқаро иқтисодий форум ўз ишини тугатди.





